



ШЕЪРИЙ ТАРЖИМАДА БАДИИЙ КЎЧИМЛАРНИ ҚАЙТА ЯРАТИШ МАСАЛАЛАРИ

Бегойим ХОЛБЕКОВА,

ЎзДЖТУ доценти

begoyimholbekova@mail.ru

Абстракт: Шеърий таржима бадиий таржиманинг мураккаб турларидан бири ҳисобланади. Чунки шеърият нафақат сўзлар, балки уларнинг ритми, оҳанги, муסיқийлиги, қофия ва маъно қатламларидан иборат бадиий бирликдир. Шеърий таржимада бадиий кўчимлар (метафора, метонимия, синекдоха ва бошқалар) ни қайта яратиш жараёни таржимон олдида ҳар доимо қатор муаммоларни қўяди. Мақоламизда таржимада бадиий кўчимларни қайта яратишдаги мураккабликлар ва уларнинг ечими хусусида сўз боради.

Калит сўзлар: шеърий таржима, бадиий кўчимлар, қайта яратиш, метафора, метонимия, аллегория, эквивалентлик, адаптация.

Кириш

Шеърий асарлар таржимаси асосан икки йирик йўналишни ўз ичига олади: мазмун жиҳатдан уйғунлик ва бадиий ифодавийлик. Шеърият таржимасининг муҳим масалаларидан бири аслият тилидаги бадиий компонентларни, топилдиқларни ва бадиий кўчимларни таржима қилинаётган тилда қайта яратишдир. Ҳар бир халқнинг урф-одати, турмуш тарзи, анъаналари, маданияти, маънавияти, иқлим ва географик жойлашувидан келиб чиқиб, унинг қарашлари, муқоёса қилиши, бадиий кўчимлари ҳам турлича бўлади. Мана шу “турличалик” ҳар сафар ҳам таржимон олдида мураккаб муаммоларни қўяди, ундан масалага ижодий ёндашишни, матнга бўлган муносабатда ҳушёрликни талаб этади. Бунда таржимонга тил билиш билан бир қаторда шоирлик иқтидор ҳам зарур бўлади. Таржимон аслият тилида ёзилган шеърий асарнинг мазмун-моҳиятини таржимада тўла қайта яратиши, бадиий кўчимларни моҳирона тарзда ўгириши керак чунки бадиий кўчимлар шеърнинг жозибасини, эстетик тасирчанлигини оширади.

Бадиий кўчимлар, хусусан метафоралар ва бошқа стилистик воситалар, дунё тилларида турлича ифода этилади. Масалан, бир халқ учун оддий ва тушунарли бўлган метафора бошқа халқ вакиллари учун тушунарсиз ёки ғайритабиий туюлиши мумкин. Бундай ҳолатлар таржимонга қуйидагича муаммоларни келтириб чиқаради:

Маъно йўқотилиши: Метафора, аллегория каби бадиий кўчимлар таржима жараёнида ўзининг асл маъносини йўқотиб, тушунарсиз ёки мантиқсиз бўлиб қолади.

Маданий фарқлар, қадриятларнинг турличалиги:

Бадиий кўчимлар таржимасида маданий фарқлар ва қадриятларнинг ўзига хослиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан бир халқ учун қабул қилинган рамзлар ёки қадриятлар бошқа халқда тамомила ўзгача бўлиши мумкин. Хуллас, шеърият таржимаси жараёнида шу каби ва бошқа муаммолар кўп

учрайди. Лекин биз бу мухтасар мақоламизда муаммони эмас, балки унинг ечими, яъни таржимада бадий кўчимларни қайта яратиш йўллари ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик. Бадий кўчимларни таржима қилиш жараёнида таржимон ўз тажрибаси ва маҳоратидан келиб чиқиб, бир нечта ёндашувлардан моҳирона фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Бунда эквивалентликка эришиш, адаптация, тафсилотларни аслиятга уйғун ҳолатда қўшиш ёки камайтириш каби усуллар таржимонга қўл келади.

Эквивалентликка эришиш: Бу усулда таржимон оригиналдаги бадий кўчимни бошқа тилда мавжуд бўлган шунга ўхшаш восита билан алмаштиради. Масалан инглизчадаги “**Rosy cheeked**” иборасини ўзбекчада “**Гул ёноқли**”, “**Her teeth were like the ivory**” мисрасини “**Тишлари дурдек эди**” деб таржима қилса бўлади, чунки бу муқояса ўзбек маданиятига ҳам тушунарли.

Адаптация: Кўчимларни тўғридан-тўғри таржима қилиш имконсиз бўлган ҳолатларда, таржимон уларни таржима тили маданиятига мослаб, қайта яратади. Бу усул кўпинча халқлар ўртасидаги маданий фарқлар катта бўлганда қўлланилади. Масалан: ҳиндлар аёл гўзаллигини сигирга қиёслайди, “**сигирдай беозор, сигирдай гўзал**” деб, чунки сигир ҳинд халқи учун муқаддас саналади, шу боисдан бу муқояса улар учун табиий жаранглайди. Ўзбек маданиятида эса бундай ўхшатиш тамомила зид, қўпол маънони англатади. Бизда аёл гўзаллиги ойга, гулга қиёсланади.

Тафсилотларни аслиятга ҳамоҳанг қўшиш ёки ўринли тушириб қолдириш: Бу усул кўпроқ шеър таржимада қўлланилади, чунки шеърят лаконик шаклда бўлади, яъни ихчам формада кенг маъно ифода этилади. Бу маълум даражада оригинал матннинг таъсирини сақлаб қолиш имконини беради. Бунга қуйидаги шеър ва унинг таржимасини мисол қилишимиз мумкин:

Мени бир нома бирла дилбарим ёд этмади ҳаргиз,
Қулин қайғудин ул хат бирла озод этмади ҳаргиз.

Сиришким сайли йиқмай қўймади худ сабр бунёдин,
Бузуғ кўнглумда тарҳи васл бунёд этмади ҳаргиз.

Балолар тоғини ҳажринда тирноғим била қоздим,
Мен эткан ишни ошиқликда Фарҳод этмади ҳаргиз.

With a letter my beloved didn't remember me at all,
With that letter she didn't release me from grief at all.

The flood of tears destroyed the building of patience,
In my broken heart she didn't wake hope for dating at all.

With my nails I dugged up an evil mount in separation,
What work I had done, Farhad couldn't do in love at all.

Таржима бизники



Ҳазрат Навоийнинг ушбу ғазалидаги **Сиришким сайли йикмай қўймади худ сабр бунёдин**, яъни кўз ёшлар сабр уйини бузмай қўймади деган маъно таржимада:

The flood of tears destroyed the building of patience, яъни кўз ёшлар тошқини сабр уйини бузиб юборди-дея антонимик таржима техникаси қўлланилган. Бу ерда аслиятда йўқ **“flood“** (тошқин) сўзи таржимада ғазалнинг мазмун-моҳиятини инглиз ўқувчисига эмоционал таъсирчан руҳда етказиш мақсадида компенсация йўли билан ўтирилган. Инглиз лирик шеъриятида кўз ёши аксарият холларда **“flood of tears”** (кўз ёшлар тошқини) деб экспрессив бадиий кўчим орқали ифода этилади. Бундан кўринадики, зарур холларда таржимон оригинал матндаги ижодий қувватни таржима тил муҳитида янги, аммо аслиятга ҳамоҳанг холда ифодалаш керак бўлади. Таржима жараёнида баъзи сўзлар ёки бадиий кўчимлар бевосита таржима қилинмай, улар ўрнига янги, маданиятлараро умумий эквивалентлар қўлланилиши мумкин. Бу таржиманинг динамик эквивалентлик принципларига мос бўлиб, унда маъно ва таъсирни бир хил даражада етказиш мақсадида ўринли ўзгаришларга йўл қўйилади.

Хулоса қилиб айтганда, шеърят таржимасида нафақат бадиий кўчимларни, балки маълум халқ ёки маданиятга хос баъзи сўзларни таржимада қайта яратиш – бу таржимоннинг билим ва тажрибасига, маданий фарқларни тушунишига ҳамда ижодий маҳоратига боғлиқ мураккаб жараён бўлиб, у таржиманинг эстетик ва маъно жиҳатдан уйғунлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Б. Холбекова Шеърый таржима мезони. Жаҳон адабиёти, 2011.
2. Б. Холбекова Мисралар қатидаги маънолар. Тошкент-2020.
3. Б. Холбекова From the Treasury of Meanings, Tashkent-2020.

BEGOYIM KHOLBEKOVA – Associated professor.

Uzbek State University of World Languages: Tashkent, UZ

E-pochta: begoyimholbekova@mail.ru

ORCID ID: 0009-0004-2001-4271 **Iqtibos uchun:** Kholbekova, B. A.

“The Essence of the Charming Poetry of Zahiruddin Muhammad Babur”